O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ...
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 30-SENTABR ■ PAYSHANBA ■ 118 (27.293) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Муҳтарам устозлар!**

**Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!**

**Авваламбор, халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот бу муаллим ва мураббийлардир.**

**Ўзининг бор меҳри ва қалб қўрини болаларга бериш, уларнинг ҳаётига маъно бағишлаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечиб, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканини йиллар, асрлар давомида исботлаб келаётган сиз, муҳтарам устозлар олдида бугун бош эгиб ҳар қанча таъзим қилсак, шаънингизга энг гўзал ташбеҳлар айтиб, самимий тилакларимизни изҳор этсак, арзийди.**

**Доимо эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, эъзозлаб келинган ўқитувчилик касби айниқса бугунги кунда янада катта масъулият ва маъно-мазмун касб этаётганини ҳозирги шиддатли замон, олдимизга янги-янги муаммоларни қўяётган ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.**

**Бир ҳақиқатни чуқур англаб, унинг ҳукмронлигини амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олишимиз даркор. Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжига чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина билим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин.**

**Бошқача айтганда, биз ўзимизнинг олижаноб мақсадларимизга фақат маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонларни, ёш авлодни тарбиялаш орқалигина етиша оламиз.**

**Бутун маърифий дунё англаб етаётган ана шу ҳаётий талабни инобатга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларнинг самарасини янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини муносиб қадрлаш масаласига катта эътибор қаратаётганимиздан, ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши хабардор.**

**Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, ўзининг дастлабки натижаларини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафарбар этаётганимиздан далолат беради.**

**Биз қатъият, ишонч ва эътиқод билан бошлаган бу ишларимизни албатта охирига етказамиз.**

**Айни пайтда нафақат бугунги кунимиз, балки келажагимизга ҳам дахлдор бўлган бу масаланинг пировард натижаси сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, билим ва маҳоратингизга, ватанпарварлик фазилатларингизга боғлиқ эканини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз ва бу ишда аввало сизларга таянамиз.**

**Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.**

**Бугунги фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт олдида, келажак олдида қилаётган хизматларингиз учун миллионлаб шогирдларингиз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор таҳсин ва ташаккурлар айтишга ижозат бергайсиз.**

**Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.**

**Умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин, муҳтарам устозлар!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Суратда:** пойтахтимиздаги 70-мактабнинг 3-«б» синф ўқитувчиси Юлдузхон Азизхўжаева ўқувчилари даврасида.
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

Дунёда устоз меҳридан-да улуғроқ неъмат бўлмаса керак. Фарзандидек азиз ўқувчисининг камолини ўйлаб, бу йўлда ҳар қанча машаққатга тайёр мураббийларимиз меҳнати мангуликка дахлдор. Шу боис ҳам барча буюклар ҳарф танитган устози қаршисида бош эгган, уларга таъзим қилган.

— Ёшлигимда, ўқитувчиликни орзу қилиб юрган кезларимда бу касб нақадар сермашаққатлигини билмаган эканман. Йиллар ўтиб ўзим ўқитувчи бўлгач, устозларга қанчалик қийин бўлишини англаб етдим. Касбимиз тақозоси билан турфа синовларни бошдан кечиришга тўғри келади. Ана шунда биргина ўқувчиларимнинг пешвоз чиқиб кутиб олишлари менга барча заҳматларимни унутдириб юборади, — дейди Юлдузхон Азизхўжаева.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида жонкуярлик фазилатларини кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Абдуллаев Рамазон Бобомуродович** — Бойсун туманидаги 53-мактаб директори, Сурхондарё вилояти

**Ирисбеков Ортиқбой** — Гулистон туманидаги «Умидли ёшлар» ихтисослашган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Каримов Тўлқин Солиевич** — Бағдод туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Қаххорова Раънохон** — Ҳазорасп туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Нуруллаев Алексей Файзуллаевич** — Жондор туманидаги 2-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Раманова Ҳуржан Қодировна** — Беруний туманидаги 66-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хунохунова Муқаддам Жўраевна** — Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Юнусова Лутфи Асадовна** — Юнусобод туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Қорабоев Абдимўмин** — Янгиобод туманидаги 2-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Жумақулов Рўзимаҳмат** — Музработ тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Сурхондарё вилояти

**Каримов Раҳимбек** — Учкўприк туманидаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Қутлиев Эркин Очилович** — Шофиркон туманидаги 6-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Маҳмаев Яраш** — Ургут туманидаги 12-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Мирзааҳмедов Турғунаҳмад** — Балиқчи тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-услубиёт хонаси мудири, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда.)

## УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

*Бир неча йилдирки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ана шу умумхалқ байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг ардоқли ўқитувчилари, ёш муаллимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.*

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиқлол йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамиятимизнинг устувор вазифасига айланган. Мамлакатимизнинг бугуни ва келажагини кўп жиҳатдан комил, соғлом, фидойи, Ватанга садоқатли ёшлар белгилайдилар. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, бутун дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Ёш авлодга замонавий билим бериш билан бирга, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ўз тарихи, аждодларимизнинг бой мероси ва анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш лозим. Бу борада ўқитувчиларнинг хизмати катта.

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Президентимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир далилидир.

Юртбошимиз Фармонига биноан 2004-2009 йиллар давомида юзлаб янги мактаблар қурилиши, минглаб мактаблар таъмирланиши кўзда тутилган ва бу эзгу иш аллақачон бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов устозларни муборак байрами билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-ўрта мактаб директори Анорхон Маҳмудова мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини изчил юксалтириш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ардоқлаш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Тантанали кечада таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



## РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ЎҚИТУВЧИ, УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устозлар!

Энг эъзозли ва мўътабар касб эгалари бўлган Сиз устозларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этамиз.

Буюк келажакни яратишда барчамизнинг умидимиз ва таянчимиз истеъдодли, етук ўғил-қизларимиздадир. Халқ таълимини ислоҳ қилиш негизида салоҳиятли, фан асосларини чуқур эгаллаган, турли касбларни ўрганган баркамол авлодни тарбиялаш, аввало, Сизларнинг саъй-ҳаракатингиз, меҳнатингиз, фидойилигингизга боғлиқ.

Ушбу шарафли ва эзгу ниятни амалга оширишда барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ютуқлар тилаймиз.

Оилангиздан тинчлик, рўзғорингиздан қут-барака аримасин, азиз устозлар!

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши**
**Сиёсий ижроия қўмитаси**

## ЭЪТИРОФ

Устоз ва шогирд муносабатлари инсоният ҳаётидаги энг мароқли ҳодисалардан биридир. Уларнинг иккovisiz жамиятда тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Ҳамма гап холисликда ва мардликда. Сиз яхши билсангиз ҳам эслатиб ўтай. Бир замонлар Алишер Навоий ҳазратлари ҳали бола чоғларида бир байтни устоз Лутфийга ўқиб берганлар:

**Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур**
**ҳар лаҳза ёш,**
**Буйлаким, пайдо бўлур юлдуз,**
**ниҳон бўлғоч Қуёш.**

Мавлоно Лутфий ёш Навоийга қарата:

— Сенинг шу байт билан бошланган биргина ғазалингга ўзимнинг умрим бўйи ёзганларимнинг ҳаммасини алмаштиришга тайёрман ва шунда ҳам мен ютган бўлардим, — деган эканлар.

Албатта, бундай маҳобат ўта хайрихоҳликнинг натижасидир.

Бугун улуғ устозлар куни. Уларнинг бири мактабда оддий муаллим, иккинчи бири эса мураббий академикдир. Лекин улар барибир устоздирлар.

Инсон боласидан қоладиган эзгу меросларнинг хосиятли рўйхатида шогирдлар ҳам юксак бир мақом каби учрайди. Мустақиллигимиз боис, Президентимиз раҳнамолигида бугунги ўзбек ёшлари жаҳоншумул илм даргоҳларида ўзларининг иқтидорларини намойиш этаётирлар.

Бунинг сабабларидан бири албатта илоҳий ирсият бўлса, яна бирлари тарихий имконият ва пухта тарбиядир.

Бунга энг ёрқин мисоллардан бири жаҳон шоҳмот тожини Ўзбекистонга олиб келолган Рустам Қосимжонов десак бўлади.

Истагимиз шулки, шогирд бир карра ўсса, уни кўрган устознинг кўнгли эса ўн карра баландроқ ўссин. Ана шундагина олам гулистон бўлади.

Азиз устозлар, барчангизни байрам билан чин дилдан қутлайман!

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## ЭЗГУЛИК УЛУҒЛАНДИ

Акционерлик — тижорат «Пахта Банк»да ўтказилган навбатдаги тадбир Устоз ва мураббийлар кунига бағишланди. Унда миллий санъатимиз фидойилари — Коммуна Исмоилова, Холисхон Қодирова, Марям Ихтиёрова сингари устоз ва мураббий хонандалар банк жамоасининг азиз меҳмонлари бўлишди.

Учрашувни «Пахта Банк» Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.Боймуратов табрик сўзи билан очиб, бутун ҳаётини ёш авлод тарбияси ва уларнинг маънавий баркамоллигига бахшида этган санъатимиз дарғаларини муборакбод этди. Меҳмонларнинг тадбир иштирокчиларига ўзларининг ҳаёти, фаолияти, ижодий йўли ва ўз мураббийлари тўғрисида ҳикоя қилган хотиралари, шунингдек, улар ижро этган мумтоз қўшиқлар барчада яхши таассурот қолдирди.

Кеча охирида банк тизимида 35 йилдан зиёд ҳалол меҳнат қилган ва кўплаб ёш кадрларни мустақил ҳаётга, ишга йўллаган жонкуяр мураббия — Марғуба Йўлдошевани жамоа нафақага кузатишлари муносабати билан унга ҳурмат-эҳтиром билдиришди, эсдалик совғалари топширишди.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

## «ШАРҚ ГЎЗАЛИ — 2004» — ТОШКЕНТДА



**Тошкент (ЎзА мухбирлари А.Иванова, З.Тошхўжаев).** Пойтахтдаги «Шератон — Тошкент» меҳмонхонасида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларининг Ўзбекистонда ўтказилаётган босқичи — «Шарқ гўзали—2004» турнирига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Турнирни Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий гимнастика федерацияси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкил этди. Матбуот анжуманида Халқаро гимнастика федерациясининг бадиий гимнастика бўйича техник қўмитаси, Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси, Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарлари, тренерлар ва спортчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова матбуот анжуманини очар экан, Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичини ўтказиш тўғрисидаги қарор жаҳон спортини ривожлантиришда мамлакатимизнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси президенти, турнирни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси ўринбосари Л.Каримова журналистларга мусобақа иштирокчиларининг таркиби ҳақида маълумот берди. Тошкент турнирига Озарбайжон, Беларус, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой Тайпейи, Малайзия, Польша, Россиядан таниқли спортчилар ва тренерлар келди. Турнирда Ўзбекистондан беш гимнастикачи қатнашади. Улар халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева ва Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина, спорт усталигига номзодлар Рита Алимова ва Раъно Муҳаммедовадир. Халқаро гимнастика федерацияси бундай нуфузли турнирни ўтказиш учун Осиё ҳудудида биринчи маротаба бизнинг мамлакатимизни танлагани спортнинг бу гўзал турида Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг яна бир эътирофидир.

Ўзбекистон катта спорт салоҳиятига эга, буни ўзбек гимнастикачиларининг турли мусобақалардаги чиқишлари ҳам исботламоқда, деди Халқаро гимнастика федерациясининг бадиий гимнастика бўйича техник қўмитаси президенти Эгле Абруццини. У Ўзбекистон турнирга жиддий тайёргарлик кўрганини, машқлар ва мусобақалар учун барча зарур шароит яратилганини таъкидлади.

«Пахта — 2004»



## ЗАФАР ДАРВОЗАСИ

Шаҳрисабз тумани вилоятда биринчи бўлиб...

Айтишларича, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари тенгсиз Оқсаройдаги маҳобатли «Зафар дарвозаси»нинг қўш табақасини катта шодиёна кунларида очтирар эканлар. Аждодлар ҳеч бир ишни бекорга қилмаганлар, ахир.

Мана бугун, агар таъбир жоиз бўлса, «Зафар дарвоза»си яна очилди — яъни Шаҳрисабз тумани пахтакорлари зафар қучдилар. Бу шунчалик ҳам муҳим ҳодисами?

Ҳа, бечиёс! Эътибор беринг-а: кейинги беш йил ичида мўлжалдаги ҳосил олинмади. Демакки, ҳосилдорлик пасайди, иқтисод кўтарилмади, деҳқон кутган даромад пучга чиқди. Энди-чи?

Бу йил 6 минг гектар ердан 16,5 минг тонна пахта олиниб, шартнома режаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. Улуғбек номли ширкатда ҳосилдорлик 34 центнерга етди. «Оро» фермер хўжалиги эса мавжуд 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга эришди. Умуман, бу йил 200 дан ошиқ фермер хўжалиги 2400 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 8 минг тоннага яқин пахта етиштирди.

— Ҳали далаларимизда ҳосил бор, — дейди **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ғуломжон Тўрақулов.** — Имкониятларни чамалаб, яна 6-7 минг тонна пахта олишга қурбимиз етади, деб ўйлаяпмиз.

**Юнус УЗОҚОВ**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

# ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ БОШҚАРГАНДА ИШОНЧНОМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

**Кейинги вақтларда фуқароларимизнинг ўз шахсий автомобилларини ишонч қоғози билан бошқариш учун бошқа бир фуқарога беришлари каби ҳолатлар кўп қайд этилмоқда. Шу сабабли ҳам ишончнома кимларга, қанча муддатга берилиши, ундан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига ҳам кўплаб фуқаролар мурожаат қилиб, айнан шу масалага ойдинлик киритиб беришимизни сўрашаяпти. Шуларни инобатга олган ҳолда бугун биз ишонч қоғози бериш, ундан фойдаланиш, бу борада амалда бўлган қоидаларни бузганларга нисбатан қандай жазо чоралари қўлланиши ҳақидаги саволлар билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармасининг мутахассисларига мурожаат қилдик.**

— Аввало шуни айтиш лозимки, шу пайтгача давлат нотариал идоралари томонидан фуқароларга бериладиган ишонч қоғозлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлимларида рўйхатга олинмас эди, — дейди Бош бошқарма бўлим бошлиғининг ўринбосари, подполковник Эркин Ахмедов. — Ишнинг бу тартибда ташкил этилганлиги республикамизда транспорт воситаларининг сони кўпайгани сайин, ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқара бошлади.

Хўш, бу мураккабликлар нималарда кўринади? Энг аввало, бу шу нарсада кўринадики, дейлик бир транспорт воситасини бошқариб келаётган ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаси содир этди ва воқеа жойидан қочиб кетди. Ўша воқеанинг гувоҳи бўлганлар бизга транспорт воситасининг русуми ва давлат рақам белгиси тўғрисида маълумот беришади. Бизнинг ходимлар ўша транспорт воситасини қидиришни бошлашади. Суриштирув ишлари олиб борилганда эса шу нарса маълум бўладики, транспорт воситасининг эгаси ўз автомашинасини икки йил аввал бошқа бир фуқарога ишонч қоғози билан сотиб юборган. Айримлар машинасини кимга сотганлигини, унинг яшаш манзилини эслаб қолишади. Айримларда эса бундай маълумот умуман бўлмайди. Ана энди кўринг, томошани. Гумондаги транспорт воситасини қидириш учун қанча вақт, қанча куч сарфланади. Охирида шу нарса маълум бўладики, транспорт воситаси фақатгина ишонч қоғози билан бешинчи ёки олтинчи одамга ўтиб кетган бўлади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида эса у биринчи эгасининг номида турган бўлади.

Жиноят ёки ҳуқуқбузарликларга алоқадор бўлган ҳайдовчиларни тезда топиш керак бўлганда эса, бундан ҳам машаққатли вазиятлар юзага келади. Шу сабабли ҳам Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва Адлия вазирлиги раҳбарияти ўзаро келишиб, ишонч қоғозларидан фойдаланишга айрим ўзгаришларни киритди.

Эндиликда, бирор-бир шахсга тегишли транспорт воситасини ишонч қоғози билан бошқармоқчи бўлган фуқаро давлат нотариал идораларидан тегишли тартибда берилган ишонч қоғозларини ўн кунлик муддатда ўша транспорт воситаси рўйхатга олинган тумандаги рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим(бўлинма)ларида қайта рўйхатдан ўтказиши лозим. Ишонч қоғози рўйхатга олингач, ҳайдовчига рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи муҳр қўйилган нусхаси берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишонч қоғозини қайта рўйхатлаш вақтида ҳайдовчидан ҳеч қандай тўлов паттаси талаб қилинмайди. Бу иш рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим(бўлинма)ларида бепул амалга оширилади.

Республиканинг бошқа ҳудудидан келган ва ваколатнома билан бошқарилаётган автотранспорт воситасидан фойдаланувчи шахс ва унинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар 3 кун муддат ичида транспорт воситаси доимий рўйхатга қўйилган ДЙҲХХ идораларига юборилади.

Агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси ишонч қоғозини белгиланган вақтда қайта рўйхатдан ўтказмаса, унга нисбатан қонунда қандай жазо чоралари бериш кўзда тутилган?

— Амалдаги қонунларга яъни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 125-моддасига асосан ишонч қоғозини белгиланган муддатда қайта рўйхатдан ўтказмаган ҳайдовчига нисбатан энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача бўлган миқдорда жарима солинади, — дейди Бош бошқарманинг ўта муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, майор Мурожон Хаджаев. — Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, агар бирор-бир сабаб билан ишонч қоғози ҳайдовчининг ёнида бўлмаса, Кодекснинг 135-моддасига асосан ҳуқуқбузар энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жаримага тортилади. Шунингдек, агар ҳайдовчининг ёнида ишонч қоғози бўлмаса ёки унинг амал қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситаси юқорида эслатилган Кодекснинг 291-моддасига асосан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар ва ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунча вақтинчалик жарима майдонига қўйилиши мумкин.

**Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди.**

# ЭКОТУРИЗМ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли боғда ана шундай шиор остида Бутунжаҳон туризм кунига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди.

Фестиваль «Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистоннинг хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва «Экосан-Тур» халқаро экологик туризм маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, туристик фирма ва компаниялар, спорт-соғломлаштириш марказлари, меҳмонхоналар, транспорт ташкилотлари ва туризм соҳасида фаолият юритаётган бошқа қатор ташкилотларнинг раҳбарлари, вакиллари, кенг жамоатчилик ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Фестивалдан кўзланган мақсад — Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан таништириш ва шу асосда туризм, хусусан, экологик туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Фестивалда «Экосан-Тур». «Atlantida-Tour», «Ark-Osiyo», «Али-Тур», «Oriental express CA», «Abda Travel», «Cnatcal mountains» тоғ курорти маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ов хўжалиги, қўриқхоналар ва миллий боғлар, «Пойтахт», «Миракл», «Ле Меридиан Ташкент», «BUMI International Tashkent» меҳмонхоналари, «Vip service NBU» маркази томонидан кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. «Ark-Osiyo» фирмаси ва «Ле Меридиан Ташкент» меҳмонхонаси энг яхши стендлари учун «Экосан» халқаро ташкилотининг махсус совринлари билан тақдирланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

XORIJDA

## ИРОҚ: ФРАНЦУЗЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ



Ироқда гаровга олинган француз журналистларини озод этиш ҳақидаги келишувга эришилган. Буни Франция томонидан жангарилар билан музокараларда қатнашаётган Филипп Бретт «Ал-Арабия» телеканали орқали маълум қилган. У Кристиан Шесно ва Жорж Мальбрюно билан учрашишга муяссар бўлган. Ҳар иккаласи ҳам жисмонан ва руҳан соғлом.

«Бирон-бир тўловсиз уларнинг озод этилиши ҳақидаги келишувга эриша олдик», — дейди Филипп Бретт. Шундай бўлса-да, Франция ташқи ишлар вазирлиги ҳозирча бу хабарни тасдиқламади. Маълумки, «Padio France International» радиостанциясига ишлаётган Кристиан Шесно ва «Le Figaro» газетасининг вакили бўлган Жорж Мальбрюно 2004 йил 20 августда гаровга олинган эди.

Кейинги кунларда Ироқда уч мисрлик, шунингдек, Бағдодда 7 сентябрь куни ўғирлаб кетилган икки италиялик аёл озод этилган.

## СААКАШВИЛИ: ЧЕЧЕН ЖАНГАРИЛАРИ ДЎСТИМИЗ ЭМАС



Россия «Новости» ахборот агентлигининг хабар қилишича, Грузия Президенти Михаил Саакашвили чечен жангарилари Грузиянинг дўстлари эмаслигини айтган.

«Кўпчилик чечен дала қўмондонларининг қўллари Абхазиядаги грузин аҳолисининг қонига беланган. Бу одамлар бизнинг дўстимиз эмас. Бундай дўстлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин, душманлардан эса ўзимиз қутуламиз», — деган Грузия раҳбари.

Саакашвили чечен сепаратчилари раҳбари Аслан Масхадовнинг Грузиянинг «Мзи» телекомпанияси орқали кўрсатилган мурожаатини шу тариқа шарҳлаган. Масхадов ўз видеомурожаатида грузин ҳокимияти вакиллари ўз ҳудудларида чечен қочоқларининг турганлигига қарши эмаслигини таъкидлаганди. «Аксинча уларга ёрдам беришяпти, ёрдамга ҳам тайёр туришибди», — деб тасдиқлаганди Масхадов.

Михаил Саакашвили Грузиянинг Россия билан терроризмга қарши курашда ҳамкорликка тайёр эканлигини яна бир карра тасдиқлаган.

## АҚШ: БОШ ПРОКУРОРГА ҚАРШИ ДАЪВО



Американинг «New York Times» газетаси АҚШ Бош прокурори Жон Эшкрофтга қарши судга даъво билан мурожаат этди, деб хабар қилади Associated Press агентлиги. Манхаттан округ судига берилган даъво матнида Эшкрофт бошчилигидаги АҚШ адлия вазирлиги «New York Times»нинг икки журналисти Филипп Шенон ва Жудит Миллернинг ўз манбалари билан телефон орқали қилган сўзлашувлари ёзув тасмасини талаб қилганлиги айтилади. Газета суддан вазирлик ҳаракатларига тўсқинлик қилишини сўраган.

АҚШ Адлия вазирлиги газета раҳбариятини журналистларга ахборотларни тақдим этаётган давлат хизматчиларини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган терговлар доирасида ҳаракат қилаётганлигидан бохабар этган. Бу идора Шенон ва Миллер томонидан 2001 йилнинг 11 сентябридан бошаб 20 кун давомида олиб борилган барча телефон орқали сўзлашувлар ёзуви тасмасини олиш ниятидадир. Агар вазирлик қўлига ушбу ёзувлар тегса, дейилади даъво аризасида, унда газетанинг ўнлаб сир тутилувчи манбаларининг номлари ошкор бўлади. Мазкур манбалар 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларига, Америка маъмурларининг «Ал-Қоида» хавфлари ва Ироқдаги урушга бўлган муносабатларига бағишланган кўплаб мақолалар учун материалларни тақдим этишган.

Газета адвокати Жорж Фримэн ушбу манбаларнинг кўпчилиги Адлия вазирлиги ўтказаётган терговлар билан асло боғлиқ эмаслигини таъкидлаган. «Бизнинг ахборот манбаларимиз билан муносабатларимизга бундай қўпол аралашувдан жуда хавотирдамиз, бу Конституцияни бузишдан иборат бўлиб, матбуот эркинлигини хавф остида қолдиради», деди у.

Филипп Шерон 2001 йил кузидан бошлаб 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларини текшириш бўйича комиссиянинг фаолияти, Америка маъмурларининг хавфсизликни таъминлаш ва терроризмга қарши кураш бўйича ҳаракатлари билан боғлиқ материаллар устида ишлаб келган.

Жудит Миллер ҳам терроризмга қарши кураш ва миллий хавфсизликни таъминлаш ҳақидаги материаллар билан шуғулланган. 2001 йил январда у Усама бин Лодин ва «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти тўғрисидаги мақолалар туркуми учун Пулитцер мукофотига сазовор бўлган.

## ПОРТЛАШ ХАВФИ БОИС

Грециянинг «Olimpic Airlines» авиакомпаниясининг ҳаво кемаси портлаш хавфи боис Ирландиянинг Шеннон аэропортига шошилинч қўнишга мажбур бўлди. Афинадан Нью-Йоркка парвоз этаётган ҳаво кемасида 295 нафар йўловчи бўлган. Авиакомпания вакили сўзларига қараганда, Грециядаги газеталардан бири таҳририятига номаълум киши қўнғироқ қилиб, ҳаво кемасида бомба бор, деб огоҳлантирганидан сўнг самолёт қўндирилган. Йўловчилар тезда олиб чиқилган. Текшириш давомида шубҳали бирон-бир нарса топилмаган. Бундан уч кун муқаддам, 26 сентябрда ҳам шундай воқеа содир бўлганди. Ўшанда «Olimpic Airlines»га тегишли «Airbus A340» Лондоннинг Стэнстед аэропортига портлаш хавфи ҳақидаги хабардан сўнг шошилинч қўндирилганди. Афинадан Нью-Йоркка парвоз бажараётган ҳаво кемасида 411 йўловчи бўлган.

## КАЛИФОРНИЯДА ЗИЛЗИЛА

Марказий Калифорнияда Рихтер шкаласи бўйича 6 балл куч билан зилзила рўй берган. Ер ости силкиниши маркази геологлар томонидан «зилзилалар пойтахти» деб аталувчи Паркфилд шаҳри яқинида бўлган. Сан-Франциcкодан то Лос-Анжелесга қадар ўндан ортиқ кучсиз ер ости силкинишлари сезилган. Сўнгги кучли зилзила Калифорнияда 2003 йил декабрида содир бўлганди.




ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ходимларини, Тошкент вилоят давлат педагогика институтини битириб, фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей, коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб олган, уларга қунт ва меҳр билан сабоқ бераётган заҳматкаш муаллимларни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини сингдираётган муҳтарам домлаларимизни

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР

байрами билан самимий қутлайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт, омад, машаққатли ва мазмунли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайди!





ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимларини, жумладан, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари жамоаларини энг улуғ ва шарафли касб эгалари бўлган муҳтарам устозларни

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР

куни билан чин қалбдан табриклайди.

Азиз устозлар!

Сизларни шодиёна билан яна бир бор қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, саодатли фаолиятингизга муваффақият тилаймиз.

